

UDC 82

ИЖТИМОЙ ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

З.О. Эгамберганава¹

Аннотация

Ушбу мақолада гуманитар фанларни ўқитишда глобаллашувнинг долзарб муаммолари ҳақида

Калит сўзлар: глобаллашув, гуманитар фанлар, тарих, маънавий қадриятлар, фикр алмашинувлар, XXI аср.

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқалар, ахборот алмашинуви шу қадар кучайиб кетдики, бирон-бир давлат йўқки бу жараёнда иштирок этмаса. XXI аср ҳаётнинг барча жабхаларидаги ривожланиш шиддатли ва мураккаб кечаётганлиги, ахборот алмашинувининг ақл бовар қилмас даражада тезлиги, кескин фикр алмашинувлар юз бераётгани билан ҳам эътиборлидир.

Аввало фикримизни “глобаллашув” атамасининг мазмун-моҳиятини ойдинлаштиришга қаратамиз. “Глобаллашув” атамасининг талқини тўғрисида жуда кўплаб қарашлар мавжуд. Бу атамани дастлаб америкалик олим Т.Левитин илмий муомалага киритган. Унинг 1983 йили “Гарвард бизнес ревью” журналида чоп этилган мақоласида ушбу атама тилга олинган эди. Муаллиф йирик трансиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнини шундай деб атаган эди. [1.8].

Мазкур атаманинг мазмун моҳияти хусусида баҳс-мунозаралар ҳозиргача давом этиб келмоқда. Глобаллашувни турли мутухассислар, олимлар турлича тарифлайди. Бу таърифлардан баъзиларини келтириб ўтаемиз:

-товарлар, хизматлар, меҳнат, технология ва капиталнинг халқаро майдонда ҳаракатланиши;

-инсон капитали, молиявий ва интеллектуал капиталнинг дунёнинг энг катта иқтисодий нуқталарига интилиши;

Бу борада ягона умумий қараш шаклланмаган бўлса-да, унинг ижобий ва салбий оқибатлари кундалик ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида ҳоҳ у иқтисодий, ҳоҳ у сиёсий ёки маънавий соҳа бўлсин ҳар куни ўзини намоён қилиб келмоқда.

Президентимиз “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида инсонларнинг бугунги куни юксак технологиялар асри ёки ялпи ахборотлашув замонидан кўра, глобаллашув даври деган таърифга кўпроқ мос тушишини таъкидлайди: “Глобаллашув – бу аввало ҳаёт суръатларининг беқиёс даражада тезлашуви демакдир”. [2.111].

Юқоридаги фикрларда келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, глобаллашув - турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир

АҚШдаги Флорида университети профессори Гарри Дамс глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақида тўхталиб, “Бу жараённинг афзалликлари ҳақида сўз кетганда, биринчидан, дунё миқёсида сифатли маҳсулот ҳажмининг ортиб бораётганлиги, унга нисбатан талаб ва эҳтиёжнинг кенгайиши; иккинчидан, авто ва авиатранспорт, туризм ҳамда аҳоли миграциясининг кучайиши; учинчидан, компьютер, интернет, сунъий йўлдош орқали телекўрсатувларни узатиш тизимининг мислсиз даражада ривожланиши; тўртинчидан; янги кашфиёт ва замонавий технологиялар воситасида ўсимлик ва ҳайвонот оламида ирсиятни ўзгартириш орқали озиқ-овқат ишлаб чиқариш ҳамда ўта хавфли ирсий касалликларни бартараф этиш имкони туғилаётганини эътироф этиш даркор. Аммо мазкур жараённинг салбий

¹Эгамберганава Зилола бону Оллоназар қизи – студентка факультета английского языка, Самаркандский государственный институт иностранных языков, Узбекистан.

жиҳатларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, технологик инқилоб, ҳаддан ташқари саноатлаштириш жараёнининг сайёрамиз иқлимига глобал таъсир этиши оқибатида инсоният саломатлигига жиддий хавф солмоқда. Маданиятларнинг бир хиллашуви эса миллий давлатлар, турли халқлар қадриятларига путур етказмоқда” - деб ёзади.[3.419].

Ҳақиқатан ҳам глобаллашув шундай жараёнки, ундан четда тураман, деган мамлакатлар унинг таъсирига кўпроқ учраб қолиши мумкин. Бундай ғайри ихтиёрий таъсир эса кўпинча салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Гандининг қуйидаги сўзларида яхши ифодаланган: “Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман”. Шунинг учун ҳам миллий истиқлол ғоясини бугунги глобаллашув жараёнида уйимизни, ҳаётимизни тоза ҳаво билан таъминлаб, айни пайтда “довулар”дан сақлаш омили эканлигини англаш муҳим. Айтиш мумкинки, ватанини, халқининг асл фарзанди, ҳақиқий ватанпарвар бўлган Маҳатма Ганди глобаллашув жараёнининг ҳинд халқига бўладиган таъсири англай олди ва унинг салбий оқибатларидан ватанини, халқини ҳимоя қилиш йулларини излади. Бунинг учун аввало одамларга миллий истиқлол руҳини синдириш асосий омил эканлигини таъкидлади.

Бугунги кунда илмий адабиётларда глобаллашувнинг турли жиҳатлари фарқланади. Энг аввало, аҳоли сонининг тез ўсиб бориши шароитида озик-овқат, ичимлик суви ва шу каби эҳтиёжларни қондириш, табиатнинг зўриқиши билан боғлиқ масалаларни яхлит ҳолда ифодаловчи демографик-экологик муаммолар мавжудлигини алоҳидақайд қилиш лозим.

Ҳеч қандай миллий чегараларни тан олмайдиган, дунёда умумий технологик ва ахборот майдони юзага келаётганини характерловчи техносферанинг глобаллашуви унинг яна бир ўзига хос хусусиятидир.

Шу билан бирга, сиёсий глобаллашув ҳамда фан, маданият, таълим ваахлоқ соҳасидаги жараёнларни ифодаловчи ижтимоий-маданий глобаллашув ҳамда ғоявий таъсир, тарғибот ва ташвиқот билан боғлиқ мафкуравий глобаллашув ҳам содир бўлаётганини ёддан чиқармаслик зарур. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий мафкура миллатнинг этноижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, эркин ва озод тараққиётини асослаш, таъминлашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими сифатида ўзлигини намоён қилади.

Эътиборингизга глобаллашувнинг маънавий қадриятларга бўлган таъсирига қаратмоқчимиз. Маълумки, маънавий-ахлоқий негизлар замирида умуминсоний ва миллий қадриятлар муштараклиги, кишиларнинг маънавий маданиятини шакллантиришга эришиш мақсади ётади. Зеро, шахс тафаккурини ўстирмай, унинг маънавий дунёсини бойитмай туриб, ижтимоий, иқтисодий, маданий жабҳалардаги вазибаларни бажариш, демакки комил инсонни тарбиялаш мумкин эмас.

Асрлар давомида бизда шундай маънавий қадриятлар шаклланганки, бунга жаҳон ахли лол қолади. Ҳавас билан қарайди. Чунки, бизнинг фарзандларимиз кексайганимизда бизни ташлаб кетмайди, ёлғизлатиб қўймайди. Ўзидан каттани хурмат қилади. Меҳмон навозликни меҳмондорчилик қоидаларини яхши билади. Етимнинг бошини силайди. Қўни-қўшничилик қилади. Ҳар қандай муаммони енгишда ёшидан қатъий назар ака-ука, опасингиллар бир-бирларига ёрдам беришади.

Ахборот алмашинувининг энг тезкор воситаси интернет тизими эканлиги ҳаммамизга маълум. Ҳозирда ҳатто биринчи синф ўқувчиларининг ҳам кўпчилиги бу тизимдан фойдаланиш кўникмасига эга. Интернет тизими орқали дунёнинг исталган бурчагидан ҳар қандай маълумотни қабул қилишимиз ёки узатишимиз мумкин. Бунинг яхши томони шундаки, кишилар дунёқараши, билими ва савиясини оширишга катта ёрдам беради, Лекин иккинчи жиҳатини

ҳам эътибордан қочирмаслигимиз лозим. Яъни интернет тизимидаахлоқий меъёрларга зид порносайтлар мавжудлигини, шу тизимдан турли трансмиллий жиноятчи гуруҳлар, террорист ва ақидапарастлар ҳам бемалол фойдаланаётганлигини доимо ёдда тутишимиз керак.

Тарихимиз илм-фан, дин, санъат соҳасида юртимизда етишиб чиққан алломалар бутун дунёга донг таратганидан, демакки, бутун дунё маънавиятига катта таъсир ўтказганидан гувоҳлик беради. Абу Наср Форобий жаҳон фалсафаси ривожига сезиларли ҳисса қўшган бўлса, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Замаҳшарий, Хоразмий, Мирзо Улуғбек сингари алломаларимиз жаҳон фанини янги поғоналарга кўтаришди. Исмоил Бухорий, ат-Термизий, Мотуридий, Абдухолиқ Гиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавийлар эса ҳадис, калом, фикҳ илмлари ва тасаввуфда порлоқ юлдузлар ҳисобланишади. Амир Темур ва Мирзо Бобурнинг ҳарбий санъати нақадар юксаклигини бутун жаҳон эътироф этади. Бинобарин, ғоялар ва мафкуралар кураши шароитида ёшларимизга биз ҳам тиббиёт, ҳам ижтимоиёт, ҳам илоҳиёт фанлари бўйича мислсиз кашфиётлар яратган алломаларнинг авлодлари, уларнинг қонуний ворислари эканлигимизни англатишдан чарчамаслигимиз керак.

Хуллас глобаллашув жараёнида маънавий қадриятлар ривожига турли таҳдидлар мавжуд бўлган шароитда биз миллий манфаатларимизга, маънавий қадриятларимизга ёт бўлган салбий хусусиятларга тақлид қилишимиз, уларни ўзлаштиришга интилишимиз эмас, балки, мавжуд бўлган миллий ва маънавий қадриятларимизни тарғиб қилишимиз, бунинг учун ўзимиз уларга содиқ бўлишимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. Т., Маънавият.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т., Маънавият. 2008.
3. Transfomarion of Capitalism. Economy, Cocciety and State in Moderm Times. London, 2000.

© 3.О. Эгамберганова, 2019